



Тошкент давлат шарқшуносли
институти илмий тўплами

ШАРҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

8

2013

Ушбу тўпламда Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва иқтидорли магистрантларининг шарқ филологияси, фалсафа, тарих, сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар йўналишларида олиб бораётган илмий ишлари юзасидан тайёрланган мақолалари жамланган. Ёш олимларнинг ўзаро фикр алмашинувини йўлга қўйиш, илмий соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида МДХ доирасидаги ва республикамиздаги нуфузли олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган тадқиқотчиларнинг мақолалари ҳам киритилди.

Мақолаларнинг мазмунига илмий раҳбар ва муаллифлар масъулдирлар.

Мухаррирлар:

филология фанлари номзоди, доцент Гулчехра Рихсиева
сиёсий фанлар номзоди Нодир Абдуллаев

Нашрга тайёрловчи:

Шоҳида Шакирова

Ушбу тўплам ТошДШИ Илмий кенгашининг 2013 йил 28 мартдаги 8-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилди.

жарангдорлиги, шакли, услубий муқобиллиги, асл нусхадаги фикрни иложи борица тўларок ифодалаш ташвишида ёнади.

Машхур ўзбек шоири А.Орипов шеърларининг асл ва турк тилидаги вариантларини солиштириш таржимоннинг сўз танлаш маҳоратида бир қагор ютуқларга эришганлигини кўрсатади. Таржимон шоир назарда тутган мазмун ва моҳиятни турк тилида қайта гавдалантириш учун кўп меҳнат қилгани кўриниб турибди. Лекин шундай бўлишига қарамай, баъзи ўринларда эквивалент сифатида нотўғри сўз танланшпи натижасида бутунлай бошқа маънолар ҳам юзага чиққан. Таржима жараёнида “алдоқчи сўзлар” ёки “ложные друзья переводчика” деб аталувчи сўзларнинг фонетик эквивалентлиги сабабли таржимон гомонидан бир қатор хатоларга йўл қўйилган. Ўзбек ва турк тилларида фаркли маъноларга эга бўлган сўзлар таржиманинг нотўғри чиқишига сабаб бўлган. Бунинг сабаби шундаки, араб ва форс тилларидан ўзбек ва турк тилларига ўзлашган сўзлар бир-биридан фарқданувчи маъноларни касб этган. Масалан, “тақдир” сўзи араб тилида “қиймат, ҳисоблаш, баҳолаш” маъноларини билдирса, турк тилида ҳам худди шу маънода ишлатилади, ўзбек тилида эса бу сўз “қисмат, ёзмиш, келажак, истиқбол” каби маъноларга эга. Умуман олганда, буюк ўзбек шоири А.Ориповининг турк тилига ўтирилган шеърларини юқори баҳолаш, ўзбек ва турк адабий алоқаларининг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган, дейиш мумкин.



Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА
Гулчеҳра РИХСИЕВА

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА ГРАММАТИК МАТЕРИАЛНИ ТАНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Хорижий талабалар томонидан ўзбек тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган ҳозирги кунда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш дастурларининг босқичма-босқич ўргатиш комплекс тизими яратилмагани сабабли мавжуд дастурлар талаб даражасида деб айта олмаймиз. Бу мақсадни амалга оширишдаги биринчи кадам ўзбек тили грамматика курсини ноанъанавий усулда, яъни грамматик билимларни семантик-синтактик мавзуларга гуруҳдаган ҳолда содда ва мураккаб сўз бирикмалари ҳамда гап қолиплари комплекслари асосида яратишдир. Таълим жараёнида ўқитувчи-талаба муносабатларидаги энг муҳим унсур 'бу - натижа. Масалан, талаба бирор чет тилини

ўрганаётганда тезроқ ўзида қандайдир натижа кўришни ва шу тилда >ш осон нутқий вазиятларда бўлса ҳам, фикрини ифодалашни истайди. Шу мақсадда ўқитувчи энг самарали усуллардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини тўғри ташкиллаштириши зарур. Бу эса ўз навбатида, ўқув дастурининг мукамал бўлишини талаб этади.

Маълумки, тилни ўқитишдан асосий мақсад талабани шу тилда ўз фикрини ифодалашга, тўғри гап тузиш кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатишдир. Бу эса ўз ўрнида бир қанча омилларга боғлиқ. Табиий, тилни хорижий тил сифатида ўргатишда матн бирламчи вазифани бажарса-да, грамматик материални тўғри тақдим этиш ҳам жуда муҳим. Баъзи дарсликларда грамматик материал хорижий талабага мослаштирилмай, она тили грамматикаси шаклида бераверилади ва талабада тилни ўзлаштиришида қийинчилик ҳамда турли чалкашликларни туғдиради. Тилни чет эллик талабаларга ўргатишда ўзига хос ёндашув бўлиши керак, бунда грамматик материални танлашда қуйидаги принципларга амал қилиш тавсия этилган:

1. **Шаклдош гап қурилмаларининг фақат бир маъно муносабатини бериш.** Тил ўрганишнинг юқори босқичларида грамматик шаклларнинг турли маъно муносабатини ифодалаш ва услубий қўлланиши матн устида ишлаш мобайнида ўргатилиб, маълум кўникмалар ҳосил қилиб борилади. Лекин тил ўрганишнинг дастлабки босқичларида грамматик шаклларнинг фақат бир грамматик маъносини бериш кифоя. Масалан, ўзбек тилида “Шарт маъносининг ифодаланиши” мавзусини тушунтиришда шарт майлининг турли феъл шакллари билан қўлланишини гап қолиплари шаклида бериб, уларнинг замондаги кўринишларини ўргатишнинг ўзи етарли (“Агар....+ феъл + -са”, “Агар....+ феъл + -са эди”, “Агар....+ феъл + -аётган бўлса” “Агар....+ феъл + -ган бўлса”, “Агар....+ феъл +мокчи бўлса” каби). Ўзбек тилида шарт эргаш гапли қўшма гапнинг **-ганда** шакли ёрдамида ҳам ифодаланишини бериш зарурияти йўқ, чунки бу шакл пайт маъносини ифодалаш усулларида ўргатилади. Уларни услубий маъно нозикликларини фарқда олиш чет эллик талабаларга қийинчилик туғдиради.

Агар Нодир тушунмаган бўлса эди, унга ёрдам берардим.

Агар Нодир тушунмаганида эди, унга ёрдам берардим.

1-2- гапдаги шакллар бир хил маъно муносабатни ифодалашни билан бирга иккинчи шаклнинг пайт мазмунини ифодалашда кенг қўлланиши талабада матнни тушунишида ва таржимада биров қийинчилик туғдиради. Шу мақсадда тил ўрганишнинг илк босқичларида-гян<)д шаклини фақат пайт маъносини ифодалашда бериш тўғри бўлади.

М: Нодир келганда, унга ёрдам бераман (*қачон унга ёрдам бера-сиз?*) Яна бир мисол: феълнинг-гуячд равишдош шакли пайт ва қиёс-лаш маъносини ифодалайди.

У *ёзгунича*, бориб келаман (пайтмаъноси)

Ёзгунча, яхшиси бориб келаман (қиёслашмаъноси)

Эгалик қўшимчасининг қўлланиши билангина фарқланадиган ушбу грамматик шаклларни ўзлаштириш кийин, шу мақсадда қиёс-лаш маъносини ифодалашда «-дан кўра», «-га қараганда» шакллари-ни бериб, *-гунча* равишдошини пайт маъносини ифодалашдаги вази-фаси берилиши маъкул.

Бундай усуллар оркали талаба мунтазам равишда икки тилни солиштирган ҳолда тушунишга ва эслаб қолишга мажбур бўлмайди, чалғимайди, балки ўзбек тили грамматикасини ўрганишда аниқ ме-зонларни белгилаб олади.

2. *Синоним (маънодош) гап қурилмаларининг энг қўп қўллана-диган шаклини бериш.* Мавзулар функционал-коммуникатив маж-муалар шаклида берилганда, гап қурилмалари турли мезонлар асо-сида, масалан, соддадан мураккабга қараб ёки нутқ услубларида қўл-ланишига қараб гуруҳланишида шу мавзуга тегишли барча грамматик шаклни бериш шарт эмас.

Масалан, “*Ўзбек тилида тўсиқсизлик маъносини ифодалаш усуллари*”ни тушунтиришда “-са”, “-са-да”, “-са ҳамки”, “-гани билан”, “-ганда ҳам”, “-га қарстай”, “-дан қатъи назар”, “-син,-масин, барибир” каби грамматик шакллардан энг кенг қўлланадиган шакллари “-са ҳам” (феъл асоси учун) ва “-га қарамай”, “*лекин, барибир*” каби грамматик шакллар ўргатилса, талабанинг нутқи тезроқ шаклланади ва ўзида маълум натижа кўради. Бу грамматик шакл-ларнинг барчаси ҳам тилда фаол ишлатилмайди. Шу сабабли уларни саралаш ва грамматик осон шаклини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Нодир тушунмаса *ҳам*, савол бермади {“*тушунмаганига қара-май*” қурилмасини грамматик шакллантириш кийин)

Нодир тушунмади, *лекин барибир* савол бермади.

Ҳеч нимага *қарамай....*, шўхлигиya *қарамай....* (“-га қарамай” *шаклини* феъл бўлмаган асосга қўшиш қулай)

3. *Ўзбек тилининг ёзма ва оғзаки нутқда кам истеъмолдаги грамматик шаклларни саралаб олиб ташлаш.* Маълумки, ҳозирги кунда ўзбек тилида сўзловчиларнинг ўзи турли грамматик қурилма-лардан фойдаланган ҳолда ўз нутқларини шакллантирадилар. Тилда синонимия (луғавий, грамматик, услубий) кучли. Бу эса яна тил ўрга-нувчилар учун бир қатор муаммоларни туғдиради. Масалан, биргина

иокеа-ходисанинг сабабини сўраш учун бир неча савол бериш мумкин: мима учун? /нимага?/ нега?/ нима сабабдан?/, лекин улар тилда бирдек кенг қўлланилади. Бу ўринда грамматик синонимияга тўхталмоқчимиз. Фикримизча, ўзбек тилини ўрганувчи хорижий талабаларга тилда кам қўлланадиган, лекин адабий тилимизда мавжуд грамматик шакллари, умуман, бермаслик ҳам мумкин. Масалан, hozirgi замоннинг **-ётир**, сифатдошнинг **-ажаск**, буйруқ майлининг **-ингиз**, жамловчи соннинг **-овлон** каби шакллари шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда синтактик синонимларни ҳам шу йўсинда саралаш керак. Масалан, **“Уйга келдингми, кўнгироқ қил “ эмас “Уйга келганингдан кейин / келгач, дарров кўнгироқ қил”;** **“кўрганим йўқ” эмас “кўрмадим”;** **“боргим келмади” эмас “боришни истамадим”;** **“келсин, келмасин..” ишас “келса ҳам, келмаса ҳам...”** **“чарчаганлигимдан ...” эмас “чарчадим, шунинг учун...”** **“сиз билан гаплашгани келдим” эмас “сиз билан ,аплашиш учун келдим”** **“келгандир, келаятгандир, келар” эмас “келган бўлса керак, келаятган бўлса керак, келси керак”;** **“Ким хоҳласа, олиши мумкин” эмас “хоҳлагин одам олиши мумкин”**.

Юкоридаги мисоллардан кўрииб турибдики, тил ўрганишнинг илк босқичида бериладиган грамматик шакллар қурилиши осон ва тушунарлиги билан ҳамда ҳамма услубларда кенг қўлланиши ва нейтраллиги билан қулай бўлиб, улар талаба томонидан осон ўзлаштирилади. Масалан, мақсад маъносини ифодалашда **“-иш /-маслик учун”** грамматик шакли барча нутқий вазиятлар ва нутқ услубларида бирдек фаол ишлатилади. Демак, грамматик шакллари саралаб ўргатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- грамматик шаклнинг нутқда кенг ишлатилиши ;
- грамматик шакл қурилишининг соддалиги ёки осон ясалиши;
- грамматик шаклнинг барча нутқий вазиятларда ишлатилиши;

Кейинги босқичларда ушбу грамматик қурилмаларнинг синоним шакллари матн таркибида ўргатиб борилади. Бошланғич босқичда асосий мақсадимиз оғзаки нутқни шакллантириш экан, унга бадий матнлар мутолааси орқали эмас, нутқда кенг фойдаланиладиган грамматик шакллари ўргатиш ёрдамида эришиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилини ўргатишнинг қисқа ва узок муддатга мўлжалланган ёки турли билим даражаларига мослаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш, булар бўйича ўқув-услубий таъминотни бойитиш, содда ва мураккаб, босқичма-босқич ўргатишга мослаштирилган мультимедияли компьютер дастурларини, ўқув комплексларини яратишда биз тавсия қилаётган грамматик материални “саралаб” ўргатиш принципи хорижликларга қисқа муддатда ўзбек тилида ўз фикрини баён этишга ўргатишда самарали усуллардан бири бўлади, деб ўйлаймиз.



МУНДАРИЖА

ФИЛОЛОГИЯ

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА, Баҳром МАМАРАЖАБОВ. Абдулла Орипов шеърларининг туркча таржималарида алдоқчи сўзларни бериш масаласи.....	3
Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА, Гулчеҳра РИХСИЕВА. Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишда грамматик материални танлаш принциплари.....	9
Олимжон ДАВЛАТОВ. Навоий шеърлятида Муҳаммад пайғамбар (САВ) сиймоси.....	13
Ойдин ТУРДИЕВА. Эронда юморнинг шаклланиш илдизлари.....	18
Хулкар МИРЗАҲМЕДОВА. Форс тили темир йўл терминларининг ички манбалар ҳисобига бойиш усуллари.....	23
Ойдин ТҶҲИЕВА. Фаҳрий Ҳиравийнинг ижодий мероси.....	27
Гулчеҳра ЮСУПОВА. Способм передачи обратений в корейском языке с учетом форм выражений правил обгчения.....	31
Нодир НУРИДДИНОВ. Форс тилида бир ўзакли арабча сўзлар бирикувидан иборат копулятив фразеологизмлар.....	38
Самнда МУСТАФАЕВА. Хигой тили фразеологик бирликлар таркибида тилшунослик терминларининг қўлланилиши.....	41
Дилфуза ХАЛМЕТОВА, Гулнора ДУЙСЕБАЕВА. Difficulties and some improving exercises in developing writing and reading skills.....	46
МуаттархоН НУРМУҲАМЕДОВА. Араб тили луғат таркибининг бойишида ўзлашмалар ўрни.....	52
Ҳилола ЮНУСОВА. Турк тилидаги ибораларни ўзбек тилига таржима қилиш масалалари (Хусейн Ниҳал Атсизнинг "Кўк бўриларнинг тирилиши" романи остида).....	55
Барпохон ШАМСИЕВА. Маданият трансфери ва бадий таржимада миллий маданиягта хос сўзларнинг берилиши.....	61
Нодира КОЧКАРОВА. Турк тилида звфимизм ва мақолларнинг ўзаро алоқадорлиги.....	64

<i>Зиёвуддин ЗЛ ЙНУТДИНОВ.</i> Ўзбек тилидан хитой тилига сиёсий матн таржимасининг лингвистик таҳлили.....	68
--	----

ФАЛСАФА ВА ТАРИХ

<i>Муҳаммаджон ҚОДИРОВ.</i> Ёш авлодни тарбиялашда фалсафа тарихини ўрганишнинг аҳамияти.....	73
<i>Акман ИКРОМЖОНОВ.</i> Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг роли.....	75
<i>Абунюлиб А БДУХАЛИМОВ.</i> Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳукукий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини оширишнинг аҳамияти.....	79
<i>Failpat ГЕЛДИЕВ.</i> Диний секталар тарихшунослигининг айрим масалалари.....	82
<i>Шерзод АБДУҲАЛИКОВ.</i> Бухоро хонлигининг Пётр I давридаги Россия империяси билан қилган алоқаларининг ёритилиши.....	86
<i>Гулноза САФАРОВА.</i> Конфуций таълимоти асосида давлат бошқаруви.....	90
<i>Ғулom МАЛЛАЕВ.</i> “Хужум” ҳаракатининг мақсад, моҳияти ва оқибатлари хусусида.....	93
<i>Муҳаммад.мин ТУХЛИЕВ.</i> Усманийлар империясининг таназзулга учрашида руслар билан олиб борилган урушларининг таъсири (1768-1791).....	99
<i>Нигора СУЛТАНОВА.</i> О предпосылках исламской революции в Иране 1978-1979гг.....	103
<i>Умида РАХИМОВА.</i> Становления отношений сотрудничества между Республикой Узбекистан и Европейским союзом.....	107

СИЁСАТШУНОСЛИК ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

<i>Рафик ШАКУРОВ.</i> Фукаролик жамиятига интилишда талаба ёшларнинг ҳукукий маданиятини шакллантириш.....	112
<i>Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДИҚОВ.</i> XXI асрда Африканинг геосиёсий ривожланиш истиқболлари.....	115
<i>Камила НИКОЛАЕВА.</i> История создания конституции Китайской Народной Республики.....	118